

Оқибатда ОР ҚОЛМАДИМИ?

МАНА шу муйилишдан бурилсак, ўзимизнинг қишлоқ бошланади. Машина чамбарагини ўннга буриб, тезликни ошираётган Камол биздан сал нарида қўлидаги ҳассаси билан “тўхта” ишорасини қилаётган кекса ёшдаги отахонни кўриб, машинани тўхтатди. Отахон орқа ўриндиққа жойлашди, ҳол-аҳвол сўраб йўлда давом этдик.

Отахон хиёл олдга энгашди-да, хўрсиниб: “Э, болаларим одамларда оқибат қолмаяпти, бу яхшилик аломати эмас. Мана шу жойда турганимга бир соатдан ошди. Таниш-нотаниш қанча улов ўтди, биронтаси тўхтай, демайди. Кечагина йўлда турган йўловчига агар техникамизга бошқа одам олишнинг ҳеч иложи бўлма-са, тўхтаб узримизни айтиб кетган одамлар эмасмидик ёки уловда бўлган ёшлар ўринларини ёши улуғларга бўшатиб ўзи пиёда кетиб, дуо олиб юрганлар ҳам ўзимизнинг фарзандларимиз эди-ку. Айбни бировдан қидиришимиз ҳам ноўрин, аслида оқибатнинг йўқолиб бориши сўнги вақтларда оилада эр ва аёлнинг ўз ўрнини билмай ҳаракат қилишида. Яқин-яқинларгача тўй-маъракаларда ёши улуғлар билан ёшлар иложи борича битта хонада ўтирардик, мақсад ёшларга панд-насихат бериш, урф-одатларимизни уларнинг ҳам онгига синдириш, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат-да бўлиб юришни ўргатиш эди. Яқинда бир ҳамсоямиз тўй бошлаб кўни-кўшнини маслаҳат ошига чақирган экан. Йиғин бўлаётган хонадонга борсам, бир кўлига сочиқ, бир кўлига обдаста ушлаб ўзим тенгги хонадон соҳиби турибди. Бу ҳолни кўриб ўзим хижолат бўлдим. Кўлим тоза, дедим. “Бу ишга сендан бошқа одам топилмади-ми?” сўрадим ундан. У ҳам ўнғайсизландида ўчоқ бошида турган аёлига қараб ўғлингни чақир, меҳмонларнинг кўлига сув қуйиб турсин, деди. Аёлнинг жавоби ҳаммасидан ошиб тушди: “Ўғлингиз ўртоқларига қараяпти, ёшларга халақит бермай ўзингиз билиб қилаверсангизчи”...

Аёлнинг бу гапидан кўнглим бузилди, индамай кетишга виждоним йўл қўймади. “Менга қаранг келин, бу нима, деганингиз эр кишига ҳам шундай гапирадими, ё замон ўзгариб аёллар бетга чопар бўлиб қолдими?”... Бу гапимдан сўнг келин хижолат тортиб, узр сўраганича уйга кириб кетди.

Мана шунақа гаплар болаларим. Оқибатли бўлинглар, фарзандларингни ҳам оқибатли бўлишга ўргатинглар. Йўқса, “оқибатда ор қолмайди...”.

Отахон қишлоқнинг ярмига етганда манзилига етганини айтиб, тушиб қолди. Мен эса чалкаш-чулкаш бўлиб кетаётган хаёллар билан қолдим. Отахон озгина овозини баланд қилиб эрига танбехона гапирган аёлнинг хатти-ҳаракатини шунчалик қоралаяпти. Агар бу нуруний инсон бугун ижтимоий тармоқларда оиласи у ёқда турсин бутун миллат шаънини ерга ураётган, оғзидан боди кириб, шоди чиқаётган аёлларимизни кўрса нима бўлади? Катта кўчада эркалар билан ёқама-ёқа бўғишиб, муштлашаётган аёлларимизни кўрса нима деркин?... Отахон уларни кўрса аёллигига қарамасдан ўша қўлидаги ҳассаси билан аямай савалаши шубҳасиз, чунки у инсонда ор бор, носус бор. Чунки у шундай яшаб келган, у бундай орсизликларга, номузсизликларга ўрганмаган.

Савол кетидан савол келаверади, биз бугун шу даражага етдик-ми? Ўша ижтимоий тармоқларда аёл шаънига тўғри келмайдиган гапларни гапирётган аёлларнинг ҳам оиласи бордир, ака-ука, опа-сингил, қариндош-уруғларичи? Улар ҳам кўриши мумкин-ку! Ёки улар бунга кўникиб бўлдими?

Бугун халқимиз шундоқ ҳам аёлларнинг ҳар хил қилмишларини кўриб, ўқиб ёки гувоҳи бўлиб, юраги безиллаб қолди. Аёл боласини сотди, аёл эрини пичоқлаб ўлдирди, келин қайнотасини болта билан чопди, аёл боласини ҳожатхонага ташлади...

Мен бу гаплар билан аёлларимизни ерга уриш фикридан йироқман. Аммо мен ҳам битта ўзбек аёлининг фарзанди сифатида ўзбек аёлларининг шаънига доғ тушишидан хавотирдаман, холос.